

Qishloq hayoti

2012 йил Мустақкам оила йили

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси

www.qishloqhayoti.uz

2012-ЙИЛ 24-АПРЕЛ, СЕШАНБА, 49 (7976) - сон

1974-йил 1-январдан чиқа бoшлаган

Bahosi kelishilgan narxda.

Ўзбекистон Республикаси ијтимоий-иқтисодий газетаси



Юртимизда чигиртканинг 150 дан ортиқ тури мавжуд. Улардан энг хавфлилари Марокаш, тўқай, воҳа, Турон, чўл чигирткалари бўлиб, воҳада Марокаш чигирткаси кенг тарқалган. Агар унга қарши кураш чоралари ўз вақтида ўтказилмаса, қишлоқ хўжалик экинларига жуда катта миқдорда зарар етказиши мумкин.



Жорий йилда Деҳқонобод калийли ўғитлар заводи тарихида иккита муҳим воқеа рўй берди. Теракўтон конидаги тоғ-кон мажмуасидан қазиб олинган селвинит рудаси ҳажми бир миллион тоннага етди. Шунингдек, Ўзбекистон, Россия ва Хитой мутахассислари иштирокида корхона иккинчи навбатининг рамзий пойдевори қўйилди.



Маҳаллий бюджетларнинг мавқеини янада ошириш бюджет субсидиясининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Давлат бюджетининг маҳаллий бюджетлар билан ўзаро ҳамжиҳатликда ишлаши эса бу борадаги механизм шартлигини таъминлаш ва ҳудудларни жадал ривожлантириш омилidir.

Куннинг муҳим воқеалари

► Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 27 февралда қабул қилинган "Мустақкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги тизимида ҳам ишчилар амалга оширилмоқда. Ёш оилаларнинг ижтимоий ҳимояси янада кучайтирилиб, замонавий ўй-жой билан таъминланмоқда. Соҳа ходимларидан яна 36 нафари пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманида жойлашган кўпқаватли уйга кўчиб ўтди.

► Ўзбекистон давлат консерваториясида "Наврўз садолари" кўп овозли миллий чолғу ансамбллари V республика фестивали бўлиб ўтди. Унда Гулистон шаҳридаги 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби оркестри, Фарғона санъат коллежининг ансамбли, Андижон санъат коллежининг "Тарона" камер оркестри, Глиэр номидаги республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейининг халқ чолғуларини оркестри биринчи ўринни эгаллади.

► Халқаро ерни муҳофазалаш кўни муносабати билан Сирдарё вилоятида медиатор ташкил этилди. Унда Сирдарё вилоятида амалга оширилаётган экологик тадбирлар самаралари билан танишиш, экологлар ва журналистлар ҳамкорлигини янада кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратилди.

► Наманган шаҳридаги 1-фурқалик ҳолати даволатномаларини ёзиш бўлимининг "Бахт ўйи"да "Мустақкам оила йили" Давлат дастури доирасида маданий-маърифий тадбир бўлиб ўтди. Унда узок вақт бахтли ҳаёт кечирган ибратли оилаларнинг "олтин" ва "кумуш" ҳамда ёшларнинг никоҳ тўйлари тантанали равишда нишонланди.

Фарғона Вилояти

Болга кираётган мевазор

Р.Шредер номидаги Ўзбекистон боғдорчилик, узумчилик ва виночилик илмий-тадқиқот институти Фарғона вилояти филиали Қува туманида фаолият кўрсатади. Мазкур хўжалиkning умумий ер майдони 608 гектар бўлиб, шундан 472 гектаридеҳқончилик ҳамда боғдорчиликка оид илмий изланишлар олиб борилади. Бугунги кунда хўжалик боғларида олманинг 114, ўрикнинг 138, шафтолининг 23, нокнинг 18, узумнинг 36 нави ва бошқа мева дарахтларининг бир қатор навлари парваришланмоқда.



— Кейинги йилларда мамлакатимизда боғдорчилик соҳасига жиддий эътибор қаратилмоқда, — дейди филиал бошқарувчиси Абдоржон Қаландаров. — Қува тумани ахли боғдорчилик соҳасини пухта эгаллаб, аҳоли дастурхонини турли ноз-неъматлар билан тўлдиршига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшиб қилишади. Айни пайтда хўжалигимизда 172 нафар миришкор боғбон бор. Хошимжон Мадалиев, Мўминжон Ўринбоев, Солижон Тешабоев, Орифжон Жўраев каби боғбонларимиз Японияга бориб, тажриба алмашиб қелишди. Улар кўнчиқар юрт боғбонларидан шафтолидан мўл ва сифатли мева етиштириш сирларини ўзлаштириб, уни боғларимизда ҳам қўллаб, мўл ва сифатли мева етиштиришни жорий этишди. Айни кунларда хўжалигимизда ҳам интенсив боғлар учун мева дарахт қўчатлари тайёрлаш борасида илмий изланиш ишлари олиб бориляпти.

— Сўрашди: филиал бошқарувчиси Абдоржон Қаландаров ҳамда боғбон Хошимжон Мадалиев. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

— Сўрашди: филиал бошқарувчиси Абдоржон Қаландаров ҳамда боғбон Хошимжон Мадалиев. Рашид ГАЛИЕВ олган сурат.

ЎРДАМЧИ ХЎЖАЛИК ИМКОНияТЛАРИ

Навоий Вилояти

ДАРОМАД ВА ФАРОВОНЛИК МАНБАИ

Навоий-Бухоро автомагистраль йўлидан Қизилтепа тумани марказига кириб борар эканмиз, беҳиштиёр йўл ёқасидаги деҳқонларнинг баҳорги экни-тинки ишлари билан машғул эканликларини кўрдик. Кимдир дарахт таносини оқляпти, яна кимдир даласига маҳаллий ўғит чиқариб, ям-яшил майсазорга сув тарамоқда, бошқа бири эса дарахтларга шакл бермоқда.

Азалдан Қизилтепа миришкор деҳқонлар, соҳибкор боғбонлар юрти бўлган. Истиқлол йилларида ҳудуд ҳар жиҳатдан ривожланди. Тумандаги "Қизилтепаузелаводи" очик акциядорлик жамияти фаолияти билан яқиндан танишиб, жамоанинг меҳнат жараёнидаги ютуқларига гувоҳ бўлдик.

150 нафар ишчи-хизматчи меҳнат қилаётган корхона ўз ёрдамчи хўжалигига эга. Хўжаликдан олинётган даромад ишчи-хизматчиларни, кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашга йўналтирилмоқда. Акциядорлик жамиятининг паррандачилик фирмасида 2000 та товуқ боқилляпти. Бундан ташқари, корхона тасарруфида ойига 40 тонна ундан нон тайёрлаш қуввати эга новвойхона, 500 тонна омикта ем ишлаб чиқарадиган цех, бир кеча-кундузда 50 тонна буғдойни қайта ишлайдиган тегирмон фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, корхона ишчиларини сут ва сут маҳсулотлари билан таъминлаш мақсадида 35 та қорамол парваришланаётир.

— Халқимизда "Яхшидан боғ қолур", деган нақл бор. Биз ҳам яхши ниятларда Маликробод қишлоғи ҳудудига 10 гектарлик боғ барпо қилдик, — дейди ОАЖ раиси Муродилла Сулаймонов. — Боғимизда 2400 тул ток, 1800 тул олма, 600 тул ўрик ва бошқа турдаги дарахтлар мавжуд бўлиб, жорий йилда яна 1000 тул ниҳол экидик.

Бу борадаги ишларни келгусида ҳам давом эттириш, боғ-роғлар майдонини янада кенгайтириш ниятидамиз.

Маърифат ШАРИПОВА

Андижон Вилояти

БОҒДОРЧИЛИК РИВОЖЛАШМОҚДА

ПРЕЗИДЕНТИМИЗ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ 2006 ЙИЛ 9 ЯНВАРДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН «МЕВА-САБЗАВОТЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК СОҲАСИДА ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ФАРМОНИГА МУВОФИҚ БОҒДОРЧИЛИККА ИХТИСОСЛАШГАН ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИНИ КЎПАЙТИРИШ, ЯНГИ БОҒ-РОҒЛАР БАРПО ЭТИШ, УЗУМЗОРЛАРНИ КЕНГАЙТИРИШ, ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ, СЕРҲОСИЛ ЯНГИ НАВЛАР ЯРАТИШ БОРАСИДА КЕНГ ҚўЛАМЛИ ИШЛАР АМАЛГА ОШИРИЛМОҚДА.

Бу борада Андижон вилоятида ҳам муайян тажриба тўпланган. Бугунги кунда вилоятда 1574 боғдорчилик ва узумчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолият кўрсатмоқда. Уларга 16690 гектар боғ, 3781 гектар токзор учун ер ажратиб берилган.

Жорий йилда вилоятда 412800 тонна мева ва 48200 тонна узум етиштириш мўлжалланмоқда. Боғдорчиликнинг ривожланиши, етиштирилаётган мева-ларнинг хорижга сотилаётгани вилоят экспорт салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. 2011 йилда 19,7 миллион АҚШ доллари миқдоридеги мева-сабзавот экспорт қилингани бунинг яққол далилидир.

Айни кунларда боғлардан юқори ҳосил олишда илғор ва самарали усуллар қўлланилмоқда. Дарахтларга шакл

— дейди Балиқчи туманидаги "Машхур дийр келажак" фермер хўжалиги раҳбари Саиджамол Асқаров. — Олиб борилган изланишларимиз самарасида олма, нок ва бодомнинг серҳосил навлари яратилди. Ҳозирга қадар қарий 11 минг тул ана шундай қўчатлар янги боғлар барпо этиш учун етказиб берилди.

У.Мансуров номидаги тажриба хўжалигида бу йилги мавсумда 400 минг тулпа яқин мева дарахт қўчатлари етиштирилди. Уларнинг 196 минг түпи интенсив технологияга асосланган юқори ҳосил берувчи мева дарахт қўчатларидир. Улар бир қатор вилоятларга етказиб берилди. Айниқса, хорижий навларни маҳаллийлаштириш яқин натижа бермоқда.

Қўргонтепа туманидаги "Боғи-Фурқат" фермер хўжалигида "Ўтлоқи боғ-

дорчилик" комбинацияси бўйича мутлақо янги йўналишдаги боғдорчилик усули жорий этилди.

Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги илмий-ишлаб чиқариш марказининг вилоят бўлими, Андижон қишлоқ хўжалиги институти олимлари ҳамда вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси мутахассислари томонидан Андижон вилояти шароитида интенсив боғлар яратиш, қўчатларни жойлаштириш, экиш технологияси, қаламчалар тайёрлаш, умуман, илғор усуллари қўллаш бўйича тавсия ва услубий қўлланмалар тайёрланиб, соҳа ходимларига тақдим этилаётганили уларнинг бу борадаги билим ва тажрибаларини бойитишга хизмат қилаётир.

— Боғларимизнинг асосий қисми адирликларда жойлашган, — дейди вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқар-

маси бўлим бошлиғи А.Сулаймонов. — Адир шароитида сувнинг танқислиги, тупроқда намлик узок сақланмаслиги ҳисобга олиниб, суғоришда тежамкор ва самарали усуллардан фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

"Улуғнор", "Гулбаҳор" насос станцияларининг модернизация қилиниши натижасида адир ҳудудларида сув таъминоти сезиларли даражада яхшиланди.

Дарҳақиқат, боғбонлар томонидан сувдан унумли фойдаланишга жиддий эътибор қаратилётганлиги, суғоришнинг самарали усуллари, айниқса, томчилатиб суғоришнинг жорий этилиши суви тежаш имконини бермоқда. Майдонни минерал ўғитлар билан озиклан-тиришда ҳам томчилатиб суғоришнинг қатор афзалликлари мавжуд. Ўғитлар сув билан эритма ҳолда айнан қўчат туллари-нинг ўзига берилади. Бу, албатта, ҳосилдорлиқнинг орттишида, шу билан



бирга, тупроқ эрозиясининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади. Шунинг билан экиш жонзика, Булоқбоши туманидаги "Даврон" фермер хўжалиги ҳамда Асака туманидаги вилоят халқ таълими бошқармасига қарашли интенсив боғларда томчилатиб суғориш ишлари намунали йўлга қўйилган.

— Олимларимиз томонидан олиб борилган кўп йиллик илмий-тадқиқот ишлари асосида "Боғ ва узумзорларни суғоришнинг янгиона тармоғи" деб номланган лойиҳа ишлаб чиқилди, — дейди Андижон қишлоқ хўжалиги институти ўқитувчиси, техника фанлари номзоди Омонулло Собитов. — Асосан адир ёнбағриларидеги боғлар учун яратилган бу суғориш усули кам сув сарфлаб, юқори ҳосил олиш имконини беради.

Вилоят қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси томонидан мева дарахтлари турли касалик ва зараркундалардан асраш, бу борада боғбонларга амалий ёрдам кўрсатиш, уларнинг билим ва тажрибасини ошириш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вилоятда боғдорчиликка ихтисослашган фермер хўжаликлари аъзолари иштирокида ўқув-семинарлар ўтказилиб, мутахассислар томонидан боғбонларга тавсия ва маслаҳатлар бериб борилаётди.

Ф.ЎБАЙДУЛЛАЕВ, ЎЗА мухбири.

Самарқанд Вилояти

БАНДЛИК

Тошкент Вилояти

МАНФААТЛАР МУШТАРАК

Қашқадарё Вилояти

Вилоятда аҳоли бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини янада оширишга қаратилган қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Вилоятнинг энг чекка туманларидаги олис қишлоқларда ҳам янги иш ўринлари яратиш, ёшларни ва хотин-қизларни иш билан банд қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада Нуробод туманида олиб борилаётган ишлар билан танишдик.

ЯНГИ КОРХОНА – ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

— Янги иш ўринлари яратишда тадбиркорлик ва кичик бизнеснинг ривожланиши муҳим аҳамият касб этаётган, — дейди Нуробод тумани ҳокими Жамол Ибрагимов. — Сабъ-ҳаракатлар натижасида ўтган йилда саноат ва қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотлари, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, қурилиш-пудрат ишлари ҳамда чакана савдо айланмасида ижобий натижаларга эришилди. 99 та кичик бизнес ва 91 та якка тартибдаги тадбиркорлик субъекти ташкил этилди. 29 та аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш объекти фойдаланишга топширилди. Асосийси, кейинги йилларда фаолияти тўхтаган 35 та корхона қайтадан иш бошлади. Маъжуд корхоналар қувватини ошириш, кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, якка тартибдаги тадбиркорлар ва фермер ҳўжаликлари қўллаб-қувватлаш орқали 4300 дан зиёд янги иш ўрни яратилди. Саноатни қишлоққа жалб этиш борасида амалга оширилган лойиҳалар асосида қўллаб маҳаллий аҳоли иш билан таъминланди. Жумладан, "Нурли нурафон тоғи жамоли" хусусий корхонаси ва "Шамс-мир" хусусий савдо ишлаб чиқариш фирмаси томонидан Хитой технологияси асосида пишкит ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Аҳолининг озик-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қон

дириш мақсадида 100 гектар интенси́в боғ барпо этилди. "Қоди́ров Уктам паррандаси", "Жарқудқ ишонч паррандаси" фермер ҳўжаликларида тухум, "Нуробод асалари" фермер ҳўжалигида асаларичилик ташкил қилинди.

Жорий йилда ҳам туманда аҳоли бандлигини таъминлаш борасида қатъий дастур асосида олиб боришмоқда. Режага мувофиқ, йил охиригача 4350 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Шу мақсадда қишлоқ жойларда кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш, уй меҳнатининг барча кўринишларини шакллантириш, паррандачилик, чорвачилик, балиқчилик ва асаларичиликни тараққий эттиришга эътибор қаратиляпти. Қишлоқ аҳолиси, айниқса, ёшлар ва аёлларни иш билан таъминлаш масаласига жиддий ёндашилиб, бу бўйича ҳам аниқ режа-тадбирлар ишлаб чиқилган. Жумладан, коллежларни битирувчи ёшларга 100 миллион сўмга яқин имтиёзли кредитлар ажратилиши белгиланган.

— Жорий йилда тумандаги олтин касб-ҳунар коллежини 1485 нафар ўғил-қиз битириб чиқди, — дейди туман ҳокими Жамол Ибрагимов. — Уларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири. Бу борада комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, битирувчилар турли корхона

ва муассасаларда амалиёт ўташмоқда. Шу билан бирга, янги корхоналар фаолиятини йўлга қўйиш, маъжуд корхоналарни модернизация қилиш ва кенгайтириш орқали туманимиз ёшлари учун янги иш жойлари яратилади.

Аҳолининг иш билан банд бўлмаган қисмини меҳнатга жалб этиш борасида туман ҳудудидаги улкан корхоналарнинг ҳиссаси ҳам салмоқли. Жумладан, Жанубий кон бошқармасида ишлаб чиқариш қувватини ошириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда йил охиригача яна 250 та янги иш ўрни яратиш белгиланган. Шунингдек, аёлларни иш билан таъминлаш мақсадида Самарқанд шаҳридаги "Самарқанд Бухоро ипак гилами" қўшма корхонаси билан ҳамкорликда 50 нафар хотин-қизни иш билан таъминлаш ҳаракатлари бошлаб юборилди.

Аҳоли фаровонлигини таъминлашда томорқадан унумли ва мақсадли фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади. Шу боис, эрта баҳорда аҳоли томорқаларига тутима касб-хунар коллежини 1485 нафар ўғил-қиз битириб чиқди, — дейди туман ҳокими Жамол Ибрагимов. — Уларни мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштириш олдимиздаги энг муҳим вазифалардан бири. Бу борада комплекс чора-тадбирлар белгиланиб, битирувчилар турли корхона

Акбар ҚАРШИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

УЙ МЕҲНАТИДАН МОДДИЙ РАҒБАТ

...Уйда тайёрлаган маҳсулотларини корхонага топширадиган кун Бўка пахта тозалаш заводида касаначилик асосида ишловчи Луиза Абдусатторова доимо қувонч бахш этади. Чунки шундай дамларда эл-юрт ишига унинг камтарона ҳиссаси қўшилётганлигини юрак-юракдан ҳис этади. Бу аёл учун ҳаётнинг жумаси худди шундай хурсандчиликка йўрилган кун бўлди.

Касаначи тикиб тайёрлаган, ишчилар учун мўлжалланган қўлқопларни санаб-тахтлаб, идишларга жойлаб қўйганлиги боис уларни корхона вакиллари топшириш кўп вақтни олмади. Тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилган, Л.Абдусатторова уйига қайтмоқчи бўлиб турганида бухгалтерия кассасига учрашиб кетишини айтишди. Аввалги ойда топширилган маҳсулотлари учун иш ҳақи ёзилган экан. Уйидаги меҳнатининг навбатдаги моддий рағбати уни янада хушнуд этди. Корхона дарвозасидан чиқиб, мағазинларга, сўнг бозор томон йўналди. Рўзгор учун зарур ашёларни харид қилиб, уйи томон борар экан, унинг кўнглини қониқиб қўйганлиги қамраб олганди. Дилидан шундай уй-фирқлар ўтар эди: "Заводга касаначи бўлиб ишга кирганим жуда яхши бўлди-да. Корхона буюртмаларини уйда бажарётганим ҳар томонлама қулай. Меҳнат дафтарчага иш стажини қўйиётгани пенсияга чиқишимда асқотди. Олаётган иш ҳақим рўзгор тебратишда мадад бўлаётганлигини бугун яна бир қарра ҳис этдим".

Бўка пахта тозалаш заводида Луиза Абдусатторова сингари касаначилар кўпчилигини ташкил этади. Гулмира Тўраева, Навбахор Нурматова, Қумрихон Ҳақимова ва

бошқалар корхона буюртмаси бўйича уйларида ўз тикув машиналарида ишчилар қўлопи, этак, машина ва трактор прицеплари учун ёпғич ҳамда бошқа маҳсулотларни тайёрлаб беришмоқда. Уларнинг кучи билан 2011 йили 3 миллион 850 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, 2012 йилнинг ўтган даврида бу кўрсаткич қарийб 2 миллион сўмликни ташкил этди.

Шу ўринда касаначилик корхона учун ҳам кўп жиҳатдан манфатли эканлигини алоҳида таъкидлаш керак. Маҳсулотлар ишчининг уйида, унинг тигув машинасида тайёрланганлиги боис сарфланиши мумкин бўлган қўлгина харажатлар тежаб қолинади. Чунинчи, Бўка пахта тозалаш заводида 2011 йили 523 минг, 2012 йилнинг шу даврида эса 219 минг сўм иқтисод қилинди.

Тошкент вилояти "Пахтасаноат" бирлашмаси тизимидаги "Алим-кент" пахта тозалаш заводи жомасининг касаначиликни кенгайтириш борасидаги саъй-ҳаракатлари ҳам эътиборга молик. Бу корхонада касаначилар томонидан 2011 йил 3 миллион 692 минг, 2012 йилнинг дастлабки чорагида 1 миллион 890 минг сўмликдан зиёд маҳсулот ишлаб чиқарилди. Яратилган шарт-шароитлардан унумли фойдаланган ҳолда ўз уйлари

да меҳнат қилаётган Феруза Жуманова, Ситора Нормуродова, Хуршида Жанадилова сингари касаначиларнинг кўрсаткичлари қувонарли бўлмоқда.

Халқимизда "Қимирлаган қир ошар..." деган гап бор. Бу фикрни мантиқий давом эттириб "...Орзу-хавас ошин ошар", дейиш мумкин. Сўз юртилаётган "Пахтасаноат" бирлашмаси тасарруфидидаги пахта тозалаш заводида жомаларнинг касаначиликни ривожлантириш борасидаги кўрсаткичлари назар ташласак, худди шу фикрнинг тасдиқини кўраемиз. Бирлашма бўйича касаначилар томонидан 2011 йили 28 миллион 478 минг, 2012 йилнинг биринчи чорагида 13 миллион 405 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди. Шунда микдордаги маҳсулотни корхонанинг ўзида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш кўзда тутилганда бино, дастгоҳлар, ускуналар, электр энергияси ва бошқа ресурсларга кўп миқдордаги маблағ сарфланган. Уларнинг маълум қисми касаначиларга иш ҳақида қўшимча сифатида тўланади. Қолган қисми эса корхонада касаначиликнинг йўлга қўйилиши эвазига тежалган маблағ сифатида қайд этилади. Бирлашма бўйича шунинг ҳисобидан 2011 йили 3 миллион 850 минг, 2012 йилнинг ўтган даврида 1 миллион 542 минг сўм иқтисод қилинди. Қўриқиб турибдики, уй меҳнатини ривожлантириш касаначиларга ҳам, корхонага ҳам ҳар томонлама фойдали. Зеро, манфаатлар муштараклиги ҳақидаги жамият тараққиётига хизмат қилади.

Суннат САЙДАЛИЕВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Навоий Вилояти

Curgarё Вилояти

2011 йилда мамлакатимизда молиялаштиришнинг борча манбалари ҳисобидан қиймати 10 миллиард 800 миллион АҚШ долларидан ортиқ капитал қўйил-малор ўзлаштирилди, бу 2010 йилга нисбатан 11,2 фоиз кўп демакдир. Инвестицияларнинг алпи ички маҳсулотдаги улуши 23,9 фоизни ташкил этгани мамлакатимизда инвестиция жараёни жадал фаоллашиб бораётганидан далолат беради.

ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАСИ

Навоий вилоятида хорижий инвестициялар иштирокида фаолият юритаётган корхоналар ҳам иқтисодиёт ривожига муносиб улуш қўшмоқда. Жумладан, "Baht-textile" қўшма корхонаси фаолияти бунга мисол бўла олади. Йилига 8400 тонна пахта толасини қайта ишлаб, 12 турдаги калава ип ишлаб чиқариш қувватига эга корхона замонавий технологиялар билан жиҳозланган.

— Жорий йилда яна 5 миллион 529 минг АҚШ доллари миқдоридида хорижий инвестициялар жалб этилмоқда, — дейди корхона раҳбари Қобил Турсунов. — Бу ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экспорт салоҳиятини ошириш, муҳими, янги иш ўринлари ҳам барпо этиш имконини яратмоқда. Айни пайтда корхонамизда 485 нафар киши меҳнат қилмоқда. Ишга жалб этишда коллеж битирувчиларига алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Корхона цехларини айланар эканмиз, замонавий ускуналарни моҳирлик билан бошқараётган йигит-қизларга ҳавасимиз келди. Замонавий технологиялар билан жиҳозланган мана бу цехимиз узилган калава ипни ўзи улаб кетади, ипнинг сифатсиз қисмини ҳам ўзи кесиб, ўзи улайди, — дейди корхона ишчиси Қ.Тоғоев. — Ҳозирда корхонамизда бир кунда 15-20 тоннагача калава ип ишлаб чиқаришмоқда.

Исроил ХОЛБОВЕВ

ОЗИҚЛАНТИРИШ МАҚБУЛ МУДДАТДА ЎТКАЗИЛМОҚДА

Ғалла унумдорлигини ошириш, мўл ҳосил етиштириш деҳқонларнинг шу кўнлардаги омилкорлиги, агротехник тадбирларни мақбул муддатда ва пухта амалга оширишга боғлиқ. Апрель ойининг иссиқ ўтаётганлиги эса майсаларни учинчи марта озиклантириш ҳамда сугоришни изчил бажаришни талаб этаётган. Шу боис, тажрибали деҳқонлар асосий эътиборни озиклантириш, сугориш, ғалла касаллигини ва хасвага қарши курашни кучайтиришга қаратяптилар. Бу борада "Агрокимкомплекс" туманларо ра масъулияти чекловган жамиятлари базаларида ҳудудий семинарлар ўтказилаётганлиги самарали бўлмоқда.

Жорий йилда 89 минг гектар майдонда ғалла парваришлаётган Сирдарё вилояти деҳқонлари учинчи озиклантириш ва сугоришни бошлаб юбордилар. Қўзлаган натижага эришиш учун ҳар гектар майдондаги экин 200 килограмм (Мирзаобод ва Ховос туманларида 150 килограмм) дан азотли ўғит билан озиклантирилмоқда. Худудларда 102 та ғаллани озиклантириш гуруҳлари самарали фаолият кўрсатаётган.

Гулистон тумани деҳқонлари бу йил 7603 гектар майдонда ғалла парваришламоқдалар. Айни чоғда далага кунига 145-150 тонна азотли ўғит чиқарилиб, ғалла майсаларига сепилаётган. Майдонлар пешмапеш сугорилиб, майсалар ривожини янада жадаллаштириш чоралари қўриляпти. Бундан ташқари, туманда

ҳозиргача хасвага қарши 4000 гектар майдондаги майсаларга "багира" препарати билан ишлов берилди. 6700 гектардаги ғалла эса суспензия билан иккинчи марта баргидан озиклантирилди.


— Сув тақчиллиги сезилаётган, экин майдонлари ўта шўрхок 108 та фермер ҳўжалигининг 1909 гектар ғалла майдонига қўшимча озиклантириш тадбирларини ўтказдик, — дейди туман қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошлигининг ўринбосари Абдурашид Қудратов. — Харакатларимиз самараси ўлароқ, майсалар ривожига ўнгиланиш юз берди.

Учинчи бор озиклантирилиб, сугорилган майдонлардаги ашнаб турган, бўйи 40-45 сантиметрга чўзилган ғаллаларни қўриб гулистон-

лик деҳқонлар меҳнатига тасанно айтасиз.

— Минерал ўғитларнинг тизимли равишда фермер даласига етказиб берилаётганлиги ишнинг кўнгилдагидек бажариш имконини бераётган, — дейди Азизхон Носиров номи суи истеъмолчилари уюшмаси раиси Алишер Нажмиддинов. — Ҳар йилгидан фарқли равишда ғалланинг учинчи марта қўшимча азот билан озиклантирилаётганлиги экин ривожига муҳим аҳамият касб этмоқда. Парваришнинг сусайтирмаган ҳолда ғаллани қўшимча "шарбат" билан сугориш, суспензия сепиш тадбирларини ҳам пухта амалга оширамиз. Харакатларимиз мўл ҳосил етиштиришда, албатта, ўз натижасини беради.

Бозорбой БЕКМУРОДОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.



БИРИНЧИ ИШЛОВ СИФАТЛИ БАЖАРИЛДИ

Розия Тўхтаева Шофиркон туманидаги "Анвар қизи Нигина" фермер ҳўжалигига раҳбарлик қилади. Фермер ҳўжалигининг 42 гектар майдондаги ғўза ниҳоллари бехато ушиб чиқди. Қуни кеча эса ҳўжаликда ғўза қатор орасига биринчи ишлов бериш юмушлари ниҳоясига етди.

Бу борада моҳир механизаторлар — Анвар Ҳожиёв ва Асрор Тўраевларнинг хизмати катта бўлди.

— Ўтган йили қабул масканларига 120 тонна биринчи навли пахта ҳосили топширган эдик, — дейди фермер Розия Тўхтаева. — Шу боис, ҳўжалигимиз ҳисобига қайта ишлаш корхонаси томонидан қўшимча равишда 50 миллион сўм маблағ ажратилди. Бу йил ҳўжалигимиз аъзолари билан янада яхшироқ натижаларга эришиш мақсадиимиз бор.

СУРАТДА: механизатор Анвар Ҳожиёв. Ҳамроз АЛИ олган сурат.

Бухоро Вилояти

Баҳорги меҳнат мавсумининг ҳар бир дақиқасидан унумли фойдаланишга ҳаракат қилаётган бухоролик миришкорлар ҳам бугунги кунда асосий эътиборни бепоеъ далолатларда бўй кўрсатаётган ғўза ниҳолларини парваришлаш, қўзги бошоқли дон экинларини озиклантириш ва сугориш тадбирларини ўз вақтида ўтказишга қаратишган. Аксарият фермер ҳўжаликларига ғўза қатор оралиқлари ишлов бериш юмушлари уюшқоқлик асосида давом этапти.

Жиззах Вилояти

ҚЎШҚАТОРНИНГ ЙЎЛИ РАВОН

Пахтакорлар, умуман деҳқон аҳли доимо изланиб, илгор тажрибалар, технологиялар ва фан утуқларига таяниб, қўзлаган мақсадларига эришмоқдалар. Пахтачилик тарихига назар ташласак, деҳқонларимизнинг яқка қаторлаб текис ерга экиш, пуштага экиш, квадрат уялаб, қўшқаторлаб ва бошқа экиш усулларини тажриба қилиб қўришнинг маълум бўлади. Улар, ҳатто, қатор оралиқ 45 сантиметрли яқка қатор усулда экиб, қўчат олинганча, 45 сантиметр кўндалангига қирқиб ташланган 45х45 усулнинг ҳам қўллаб қўришган. Аввалига бу усул ҳам кўндалангига, ҳам узунасига ишлов берилиши туфайли баъзи деҳқонлар томонидан маъқулланган бўлса-да, кўп ўтмай, воз кечилган. Пировард натижада эса ҳозирги — қатор оралиқ 60 ва 90 сантиметрлик яқка қатор усуллар — энг мақбули сифатида далаларимиздан муқим ўрин олган.

Қўшқаторлаб экиш усули қўлланилган бўлса-да, етарли даражада синовдан ўтказилмаган. Баъзилар ундан фақат нуқсонлар ахтариб, охири-оқибат амалиётдан олиб ташланишига эришилган. Вақоланки, ўша пайтларда ҳам деҳқонлар чигит қўшқатор усулида экилганда, қўчат сони кўп бўлишини, ҳосилдорлик ошишини, лекин усулни тақомиллаштириш лозимлигини айтишганди.

— У пайтларда қўшалок қаторлар оралиғи 15 сантиметр бўлиб, бу оралиққа ишлов бериш имкони бўлмаган, — дейди Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номи суиудан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудидаги «Исоқ бобо» фермер ҳўжалиги раҳбари Ҳақимжон Соатов. — Қўлтўваторнинг ишчи қисмлари сигмаслиги туфайли иккала қаторда ҳам ғўзалар етарли даражада озикланмаган, оралиғиде қатқалоқ вужудга келиб, ҳаво алмашинуви бузилган



«Исоқ бобо» фермер ҳўжалиги раҳбари Ҳақимжон Соатов (ўнгда), «Рухнат она» фермер ҳўжалиги раҳбари Ғанишер Бойишғитовлар қўшқаторлаб экилган майдонда ғўзалар ҳолатини кўздан кечиришмоқда.

ва натижада экин нимжон, камҳосил бўлиб қолган. Аслида қўшқаторлаб экиш серхосил ва қўлай усул. Ердан, ўғитлардан, ёнилғи ва мўйлаш материалларидан фой-

даланиш самарадорлиги ошади. Ахир одатдаги 90 сантиметрлик усулда экилганга нисбатан қўчатлар сони икки ҳисса кўп — ҳар погон метрда 16-20 тадан бўла-

ди-да. Бултур 42 гектар пахтазоримизнинг 8,5 гектарига қўшқаторлаб экиб, жомамиз шундай ҳулосага келди.

Биз қўшқаторлаб экишда сеяланинг уруғ ташлагичлари ва қатқалари оралиғини олдинги 15 сантиметрдан 30 сантиметрга кенгайттирдик. Асосий қаторлар билан «қўшимча» қаторлар оралиғи кенгайган, сугориш ҳўжалари олинандиган кенглик олдинги 90 сантиметрдан 60 сантиметрга торайди. Бу 60 сантиметр эса трактор ғилдираклари ҳаракатлашиш учун ҳам, культиватор ишчи қисмларининг меъёрида ишлатилиши учун ҳам етарли. Муҳими, энди культиватор иккала қатор орасини бемалол юмшатади. Бу билан улардаги бегона ўтлар тағ-томири билан қирқилиб, ғўзалар бўй чўзган сайин улар мутлақо барҳам топади. Ҳўжалигимиз экинзорлари охириги «қулоқ»дан сугорилишига, обихайёт бирмунча танқис бўлганига қарамай, бултур ана шу қўшқаторлаб экиш еримизнинг ҳар гектаридан 40 центнердан ҳосил кўтардик. Бу, яқка қаторлаб экиш 31,5-гектар майдонимиздагидан гектарига 14 центнердан кўп демакдир. Натижада пахтачиликнинг ўзидан 2010 йили олган 10 миллион сўм соф фойдамиз 2011 йили 30 миллион сўмга кўтарилди. Қўри-



Тажрибали механизатор Бекмурод Маматқўлов.

ниб турибдики, қўшқаторлаб экиш биз кутган натижага бери-ди. Шу боис, бу йил 30 гектар еримизга қўшқаторлаб уруғ эдик. Айни пайтда уруғни тўла ундириб олиб, қатор оралиқини биринчи юмшатишни ҳам ниҳоясига етказишмоқдамиз.

Шу ўринда ҳўжалигимиз механизатори Бекмурод Маматқўловнинг изланувчанлик ва иxtирочи-лик маҳорати ҳақида ҳам тўхтал-гимиз келяпти. Бултур у экиш сеял-кисини ҳам, культиваторини ҳам 30х60 сантиметр иш ҳолати-га аниқ мослаб, экиш ва культи-вациялаш ишларини сифатли ташкил этди. Бу йил чигитни бар-вақт экиб, ундириб олишимизда ҳам унинг тажрибаси асқотди. Айни кўнларда ишчиларимиз — Раҳмон Худойқўлов, Валижон Шукров, Олимжон Соатов ва

бошқалар қўшқаторларнинг 30 сантиметр оралиғидидаги бегона ўтларини ҳам, эгталар ичидидаги бегона ўтларини ҳам сифатли чопиқ қилишяпти.

Ҳақимжон Соатовнинг гаплари-дан қўрииб турибдики, эндилик-да қўшқаторлаб экиш усули пах-такорлар синовидан ўтиб, тақо-миллашди бўлди. Бунини туманда ўтган йили бошқа фермерлар ҳам тажриба қилиб, қўлга кири-тган яхши натижалар кўрсатиб туриб-ди. Ўтган йили туманда тўртта фермер ҳўжалигидида жами 54 гек-тар майдонга қўшқаторлаб чигит экилган бўлса, бу йил ўн-та фер-мер ҳўжалиғи даласида 300 гек-тар ерга шу усулда уруғ қада-ди. Ҳулоса шуки, қўшқаторнинг йўли очилмоқда.

Келдиёр ЖўРАҚУЛОВ,
"Qishloq hayoti" мухбири.

Қашқадарё Вилояти



КОРХОНА ТАРИХИДАГИ ИККИ МУҲИМ ВОҚЕА

Жорий йилда Дехқонобод калийли ўғитлар заводи тарихида иккита муҳим воқеа рўй берди. Тепакўтон қонидаги тоғ-кон мажмуасидан қазиб олинган сильвинит рудаси ҳажми бир миллион тоннага етди. Шунингдек, Ўзбекистон, Россия ва Хитой мутахассислари иштирокида корхона иккинчи навбатининг рамзий пойдевори қўйилди.

— Дехқонобод калийли ўғитлар заводи-нинг ишлаб чиқариш қувватини ошириш ва корхонанинг иккинчи навбатини барпо этиш бўйича яқинда бошлаб юборилган улкан бунёдкорлик ишлари уч қисмдан иборат, — дейди завод директори ўринбосари Ражаб Хўжамуродов. — Биринчи қисм Россиянинг «ЗУМК-инжиниринг» компанияси томонидан амалга оширилди, унинг доирасида ҳозир йилга 700 минг тонна сильвинит рудаси қазиб олинаётган тоғ-кон мажмуасининг қувватини йилга яна бир миллион 400 минг тоннага етказишни мўлжаллаб кенгайтириш кўзда тутилган. Иккинчи қисм — узунлиги 30 километрдан ортиқ бўлган ва йилга 2,1 миллион тонна хомашии Тепакўтон қони-дан қайта ишлаш мажмуасига етказиб бе-

риш учун мўлжалланган осма «арқонўйли» ни барпо этиш ҳам россиялик ҳамкорлари-миз зиммасида турибди. Учинчи қисм — бир йилда 400 минг тонна калийли ўғитлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қайта ишлаш мажмуасининг қурилиши бўйича Хитойнинг «СИТИК» компанияси билан шартнома тузилган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, мазкур корхонада у маҳсулот бера бошлаган сана-дан бошлаб ҳозирги вақтгача 280 минг тон-надан ортиқ калий хлориди ишлаб чиқари-либ, 2010-2011 йиллар давомида хорижа 170 минг тонна маҳсулот экспорт қилинди.

Хусан ТЕМИРОВ,

«Qishloq hayoti» мухбири.

Рашид ГАЛИЕВ олган суратлар.

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ очик аукцион савдосига таклиф этади

Аукцион савдосига Наманган «Дори-Дармон» очик акциядорлик жамияти балансидаги 1992 й и/ч, «ГАЗ-3307» русумли, д/б 16 AL 580 бўлган (техник носоз) автотранспорт воситаси 6 866 581 сўм бошлангич баҳода қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2012 йил 25 май куни соат 11-00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни мазкур эълон матни чоп этилган санадан

бошлаб ҳар куни (дам олиш кунла-ридан ташқари) соат 9-00 дан 17-00 га қадар Вилоят давлат мулки бош-қармаси биносининг 15-хонасида қабул қилинади ва савдо бошлани-шидан 1 (бир) кун олдин соат 18-00 да тўхтатилади.

Ушбу куни сотилмаган автотранс-порт воситасининг такрорий савдола-ри ҳар ҳафтининг душанба кунлари соат 11-00 да бўлиб ўтиши, мазкур савдоларга ариза қабул қилиш ҳар

ҳафтининг жума кунлари соат 18-00 да тўхтатилишини олдиндан маълум қиламиз.

Савдо қолиби деб топилган хари-дорга савдо бўлиб ўтган кундан бош-лаб 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномасини тузиш мажбу-рияти юқлатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси би-лан тузиладиган «Закалат пули тўғри-сидаги қелишув»га асосан автотранс-

порт воситаси бошлангич баҳосининг 15 фоизидан кам бўлмаган миқдорда-ги закатлат пулини «Universal Auktision Invest» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека банк» Наманган бўлими МФО-00223, СТИР 302083379, 2020 8000 1049 3216 8005 ҳисобрақамига тўланади.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: 160100, Наманган шаҳри, Банк кўчаси, 9-уй, 1-қават, 15 хона. Тел/факс: (8-369) 226-41-66, E-mail: uainvest@mail.ru

«UNIVERSAL AUKTSION INVEST» МЧЖ ХОРАЗМ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ очик аукцион савдосига таклиф этади

2012 йил 25 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган очик аукцион сав-досига «Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамиятига қарашли қуйдаги (техник носоз) автотранс-порт воситалари қўйилади:

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Урганч ту-мани филиалига қарашли:

1. 1988 йилда и/ч «КАМАЗ 55102», д/р 22 АН 316, бошлангич баҳоси 12 977 000 сўм.

2. 1989 йилда и/ч «ЗИЛ-ММЗ-554М», д/р 22 АГ 575, бошлангич ба-ҳоси 5 115 000 сўм.

3. 1986 йилда и/ч «АЦ 3053-12 / 106» (Махсус полярная автомашина-си), д/р 22 АА 71, бошлангич баҳоси 10 395 000 сўм.

4. 1995 йилда и/ч «ВАЗ-21060», д/р 22 АЕ 093, бошлангич баҳоси 1 478 000 сўм.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Гурлан ту-мани филиалига қарашли:

5. 1991 йилда и/ч «Т-40 АМ» (Трак-тор), д/р 82-50 ХЗ, бошлангич бахо-си 2 009 000 сўм.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Қўшқўпир

тумани филиалига қарашли:

6. 1990 йилда и/ч «Т-150 К» (Трак-тор), д/р 37-78 ХЗ, бошлангич бахо-си 7 565 449 сўм.

7. 1991 йилда и/ч «Т-40 А» (Трак-тор), д/р 37-93 ХЗ, бошлангич бахо-си 2 008 731 сўм.

8. 1992 йилда и/ч «Т-4 А» (Трак-тор), д/р 32-72 ХЗ, бошлангич бахо-си 11 086 688 сўм.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Шовот ту-мани филиалига қарашли:

9. 1988 йилда и/ч «ЗИЛ ММЗ-45021», д/р 22 АД 767, бошлангич баҳоси 5 116 000 сўм.

10. 1985 йилда и/ч «ЗИЛ ММЗ-45021», д/р 22 АД 768, бошлангич баҳоси 5 116 000 сўм.

11. 1989 йилда и/ч «ГАЗ-53», д/р 22 АД 779, бошлангич баҳоси 3 948 000 сўм.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Янгиарик ту-мани филиалига қарашли:

12. 1987 йилда и/ч «КАМАЗ - 5511», д/р 22 АН 610, бошлангич ба-ҳоси 12 477 000 сўм.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти Янгибозор

тумани филиалига қарашли:

13. 1989 йилда и/ч «ГАЗ -5201», д/р 22 АН 406, бошлангич баҳоси 1 867 000 сўм.

14. 1990 йилда и/ч «ГАЗ -5201», д/р 71-55 ХЗЛ, бошлангич баҳоси 3 033 000 сўм.

«Қишлоқхўжаликкимё» ҳудудий акциядорлик жамияти «Урганч Минерал ўғитлар» ш/к га қараш-ли:

15. 1991 йилда и/ч «КАМАЗ - 55102», д/р 22 АЕ 368, бошлангич баҳоси 12 977 000 сўм.

16. 1991 йилда и/ч «М - 412» (ен-гил автомашинаси), д/р 90 465 ГАА, бошлангич баҳоси 697 000 сўм.

Аукцион савдолари Хоразм шаҳри, Ал-Хоразмий кўчаси, 30-уйда бўлиб ўтади.

